

Лола Ҳикоя

Борлиққа баҳор ташриф буюрди. Унинг ҳаётбахш қадами адирларга яшил гилам тўшади, дарахтларга оқ маржонлар илди. Кўклам юксак тоғлар елкасидаги оқ матоларни олди ва уларга яшнаш, яшариш, уйғониш тимсоли бўлган яшил бахмалларини ёпди.

Кумушдек ярқираган чўққилар, бургутлар бола очадиган юксак қоялар бағрида баҳор элчиси, соғинчдан бағри лов-лов ёнган, яшаш умиди унинг нозик ва ям-яшил қоматидек барқ урган, аммо дайди шамоллар барглари эрта учиришдек аламдан бағрига қора гардиш тортилган – Лола бир сиқим оловдек бўлиб очилди.

У энг юксак чўққида ловуллаб, порлаб турарди.

- Ҳаёт қанчалар гўзал ва тотли,-деди у ўзига ўзи. Майин баҳор насими унинг барглари аста сийпалади. Лола атрофга тўймай боқар эди. Чўққидан пастга қаради: яйловларда ўтлаётган қўй-қўзилар гўё чумолидек бўлиб кўринарди. Зилол сувли анҳорлар эса бамисоли ўрмалаб кетаётган ингичка оқ илонларга ўхшарди. Ҳар хил рангларда гуллаган дарахтлар ва улардаги қушларнинг сайроқи овози эса жўшқин ҳаётдан дарак бериб турарди.

Боши узра соябон бўлиб турган оппоқ ҳарир булутларга Лола қўлини чўзди. Булутлар ҳам унга томон сузиб келиб, кўклам саломини ҳадя этдилар.

У бундан роса бахтли эди. Умри бор-йўғи санокли кунлардан иборат бўлса-да, бунга ачинмас эди. Чунки ҳар бир лаҳзасини гўзаллик, нафосат, латофат билан яшар эди у. Бироқ қалбининг бир чети ана шундай лаҳзаларга мангу интиқлик, соғинч хисларидан гупуриб турарди. Ушбу соғинч уни яна ва яна яшашга, ҳар навбаҳор фаслида унинг элчиси бўлиб, оламга кўрк, нафосат, гўзаллик бағишлаб туришга ундайверарди. Бу истак унинг иродасини тоблаб, олдиндаги жазираамалару қаҳратонларни сабот билан енгиб ўтиш сари куч бағишлар эди.

Ширин лаҳзалар чўққидан оққан шаршара сувларидек тез ўтиб кетди. Майин насимлар бетакаллуф шамолларга айланиб, Лоланинг алвон барглари бир-бир юлқиб, гўё эрмак қилаётгандек, ҳар тарафга улоқтира бошладилар. Ҳар барги узилганда Лоланинг бағридан бир оҳ отилиб чиқар, бундан кўксидаги қора гардишлар баттар қораяр эди гўё. Бандидан узилган алвон барглар ҳатто сўнгги дамда ҳам борлиққа гўзаллик улашардилар. Улар гўё яшил гиламга тақилган алвон чироқчаларга ўхшардилар.

Дайди шамоллар ишини овсар ва очофат эчкилар давом эттирдилар. Юксакликдан беозор чумолидек бўлиб кўринган ўтхўрлар қояга кўтарилганлари сари ебтўймас дев каби улғайиб борардилар. Ниҳоят, улар Лоланинг бандини янчиб, уни тишлари орасига олдилар ва ғажиб, еб битирдилар. Ортидан эса гўё яна шундай ширин ўт бормикан,-дегандек бефаросат нигоҳ билан бир маъраб ҳам қўйдилар.

Лоланинг вужуди шамолларга соврилиб, жонзодларга ем бўлгани билан ер остида унинг ҳаёт умиди – пиёзчаси қолди. Умид ва ишонч энди ёлғиз унинг вужудидагина яшар эди. Ҳаётсеварлик, яшашга интиқлик орзуси унинг илдизларида жўш урарди, улар ер бағрига чуқурроқ кириб боришга интилардилар.

Лоласидан айрилган баҳор ҳам узоқ қололмади, ўрнини ёзга бўшатди. Ёз қуёши ерни тандирдек қиздирди. Унинг тафтидан олма, шафтоли, анжир ва узумлар, полизларда эса қовун, тарвузлар пишиб, ҳандалаклар иси димокларни қитиклади. Буғдойзорларда донга тўлиб етилган бошоқлар олтин рангга кириб, майин чайқала бошладилар.

Саратон куёши кўп гиёҳларни сувсизликдан ташналик азобига гирифтор этди. Бу вақтда Лоланинг пиёзи учун ҳам машаққатли имтиҳон палласи келган эди. У иссиқдан қовжираб борса-да, илдизларини ер бағрига тобора чуқурроқ қадар, сув излар эди. Нима бўлганда ҳам, омон қолиш, куз ва қиш азобларига чидаб, қайта ҳаётга келиш ҳамда кўкламни кутиб олиш – унинг асл орзуси эди.

Дарахтларнинг барглари сарғайиб, шамолда бандидан узилар ва ҳавода учиб юрарди. Бу ташналик азобидан эмас, балки борлиққа куз фасли ўз олтин рангларини сочиб юборганидан далолат эди. Иссиқ кунлар аввал салқин, кейин эса совуқ кунларга алмашди, кўм-кўк тиниқ осмонга булутлар тўпланадиган ва ёмғир ёғадиган одат чиқарди. Шаррос қуяётган ёмғирлар Лола пиёзининг ҳаёт илдизларига куч берарди. Ёмғир сувларига қониб-қониб, ўзида янги куч-қудратни ҳис этарди. Не кўз билан кўрсинки, илдизининг олдида яна янги, жажжи-жажжи пиёзчалар унибди. Энди

у ёлғиз эмас, энди унинг ёнида ишончи, таянчи ва суянчлари – пиёзчалари бор. Лоланинг ўз кучига ишончи янада ортди. Ҳаётга, яшашга бўлган муҳаббати туғён урди.

Энди унинг олдида аёзли қаҳратонлар қиличини қайраган қиш фасли турар эди. Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетдилар. Дарахтлар уйқуга кетди. Ерлар музлади. Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплади. Ана шу муз ва қор остида Лоланинг митти юраги уриб турарди. Совуқ гарчи уни ўз исканжасига олишга уринмасин, у енгилмас эди. Муз ва қорларни ўзидаги ҳаёт завқи, оловию шиддати билан эритишга интиларди. Хуллас, аёвсиз қаҳратоннинг бутун рутубати Лоланинг митти пиёзчаларидаги ҳаёт завқию шавқи олдида ожиз қолди. Қорлар эриб, ерга сингиб кетди. Чўққилардаги музлар кўклам куёшининг эркалашларидан эриб кетиб, шалола бўлиб, дараларга тушиб келдилар. Кўклам атрофга яшил гиламларини ёйиб юборди.

Лоланинг пиёзчалари лаҳзаю соат сайин униб чиқа бошлар ва бир-бирларини баҳор айёми билан қутлар эдилар. Кўкда эса қалдирғочлар нималарнидир вижирлашиб, оламга кўклам дарагини берардилар.

Ниҳоят, Лола яна қад ростлади. Юксак чўққидан туриб, кўкламга пешвоз чиқди. Бобо куёш заррин нурлари билан уни эркалади. Алвон-алвон баргларини майин шамолда хилпиратиб, хиром айлади. Бу кўклам айёмида у ёлғиз эмас эди. Унинг ёнида бир неча лолачалар ҳам бор эдилар. Ҳаёт гўзаллигидан ҳайратланган ва уни доимо мана шундай кечади, деб ўйлаб турган шодон лолачаларга боқар экан, бошидан ўтган машаққатли синовларни бир-бир ҳаёлидан ўтказди ва оҳиста тебраниб қўйди...

Ҳа, бу синов ҳар бир кўкламга пешвоз чиқиш учун, оламга гўзаллик улашиш учун санокли кунларгина яшаб, шамолга совриладиган, оташда қовриладиган, ер остида бўзлайдиган, қаҳратонда музлайдиган ва барча-барча азобларни енгиб ўтиб, яна баҳорни қаршилайдиган ўзи нафис ва нозик, аммо матонати тошларни-да ёриб чиқадиган Лоланинг, балки лолаларнинг қисмати эди...

Зеро, гўзаллик, нафосат фидойилик талаб этади. Унинг йўлидаги йўқотишлар эса янгидан-янги гўзалликларнинг яралишига сабаб бўлади. Бу гап айнан лолалар ҳақида айтилганга ўхшайди гўё. Шундай эмасми?!